

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 08

Мирзаобод т.

2022 йил «10» август

Сирдарё вилояти Юқумли қасалликлар шифохонаси номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи раҳбари Б.С Туреунов бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади), «Барака Эзгу Нияти» МЧЖ номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона раҳбари А.Эгамназаров иккинчи томондан, (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект (куриш, кайта куриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хulosалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари хамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

**1.2 беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**1.3 шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир боскичи ва/ёки турлари қийматини аник белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда қурилиш ва таъмираш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни кабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аниклangan ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил «02» августдаги 125681-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу объект тўлаконлигигача фойдаланишига топширилишида ККС билан **27 500 000 (Йигирма етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.**

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

3.3 объектнинг қайта куриш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги конунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган суммага конунчиликка мувофиқ ўзгартириш киритиш зарур бўлган холларда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўzsиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмираш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмираш ишлари бўлайтган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан кабул килиб олади ва таъмираш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект кисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш объектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур холларда айrim иш турларининг бажарилшида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар кандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор килиш;

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини тугатиб, объектни сифатли ва тўлик килиб (тегишли барча хужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошка сабаблар бўлганда Сирдарё вилояти Юкумли касалликлар шифохонаси ишчи танлов комиссиясининг карорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни 20 кунда амалга оширади.

6.4. Ишларнинг бошланиши молиялаштириш очилган кундан бошлаб хисобланади.

6.5. Пудрат шартномаси амал килиши муддати 2022 йил 31 декабр.

6.6. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асосан хисобланади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш кийматининг 30 фоиз микдорида, аванс маблағи тулаб беради. Бу 8 250 000 (Саккиз миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

7.3. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини “Маълумотнома-хисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва киймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва “Маҳаллий буюдженет ва вазирликнинг жамғармаси” томонидан маблаг ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан молиялаштирилади.

7.4. Жорий молиялаштириш ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан берилган аванс микдорини ушлаб колиб, объектнинг шартномавий киймати 100 фоизи микдорида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар кийматидан \_\_\_ фоиз микдоридаги маблаг мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган маъбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб \_\_\_ кун мобайнида бажармаган тақдирда. Пудратчи бу ҳакда конун хужжатларида белгиланган тартибида Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартришлар киритишни талаб килиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибида бекор килиш хукукига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг таксимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниклаш вактида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг таксимланади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсикеиз танишиш хукукига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишида катнашади.

8.4. Пудратчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун биринчирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 15 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлик маълумотни (белгиланган тартибида ижро хужжатлари билан) ойнинг \_\_\_ кунига кадар бажарилган ишлар хисоботини Сирдарё вилояти Юкумли касалликлар шифохонасига топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталари, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараённида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва нукталауда янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ёзи томонидан курилишда күлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларидан күрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишида хабардор киласди.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (боскич) бўйича кабул килиб олиш уларнинг кейинги тур (боскич) ишлари бошлангунга кадар бажарилишига караб амалга оширилади. Ишларни куйидаги таркибдаги комиссия кабул килиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), объектга хизмат кўрсатадиган юкори ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили (қўтариб турувчи конструкцияларни кабул килиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда кабул килинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиклик даражаси ажэ эттирилади, шунингдек кабул килинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг натижалари илова килинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг курилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.18. Объектда курилиш жараённида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни кабул килиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) кабул килиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) кабул килиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат кўрсаткичлари хисоб-китоб жадвалида ажэ эттирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари ва маблаглари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода саклайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларida аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишини тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ажэ эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён киласди.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва кайта куриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгидан бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

10.5. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11.1. Курилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни кабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартиби мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга кабул қилиб олиш шахарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Курилиш обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) обьектнинг тугалланганлиги ва у кабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга кабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- курилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилгандишиларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилиари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёнилиб кетадиган ишларни кабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибида кабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи кайта куриш тугалланган обьектни кабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда иккى нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилгандишиларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибида обьектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета хужжатларига ҳамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан курилиш ва таъмирлаш ишлари учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета хужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета хужжатларидаги бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета хужжатларидаги кўзда тутилган маблаглардан амалда иктисол қилинса, ушбу маблагни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини коплаш учун обьектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-хужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнада обьектдан фойдаланиш жараённида нуксонлар ва чала қилинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

12.6. обьектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.7. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар кайта куриш тугалланган обьектни кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномасида кайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилгандишиларни муддати барчанини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати шартноманинг VII бўлимидаги муддати кимаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг муддати назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиши хукукига эга.

12.11. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган ҳолда;

- 13.3. Пудратчи томонидан бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан х, фактурасини расмийлаштириб бир ой ичидаги топширилмаган холда;
- 13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилга ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- 13.05. Буюртмачи конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
- 13.6. Пудратчи:
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
  - конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.
- 13.7. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.
- 13.8. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
- 13.9. Шартнома бекор килинган тақдирда айбордомонга иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
- 13.10. Шартнома куйидаги холатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин;
- 13.11. Шартнома шартларига риоя килинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;
- 13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камидаги 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вактдан бошлаб;
- 13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлик хажмига кўра 30% кам бўлмаган микдорини ўзи ва колган 70% дан ошмаган кисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат берини сўраб Сирдарё вилояти Мирзаобод туман хокимлигига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;
- 13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш хажмининг 30%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.
- #### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ
- 14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордомон:
- иккинчи томонига етказилган зарарларни коплайди;
- 14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларida хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.
- 14.3. Қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:
- сифатсиз бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари;
  - обьектни хамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
  - буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш ва таъмирлаш хамда бошка ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатлари бузилиши;
  - обьектнинг смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация килиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;
  - курилиш ва таъмирлаш жараённида ёки оралиқ кабул килишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар хамда нуксонларни бартараф этишни оркага сурин;
  - шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.
- 14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошка камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошка шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб килиш хукукига эга:
- нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;
- Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки обьектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш хамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш кийматини ундириш хукукига эга.
- 14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.
- 14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши "Маҳаллий бюджет хамда вазирлик жамғармаси" нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича "Буюртмачи" "Пудратчи" нинг олдида жавобгар бўлмайди.
- 14.8. Пудратчи томонидан обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

жисмининг 0,2 фоизи микдорида пея тўлайди, бирок бунда пеянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи микдорида пея тўлайди, бунда пеянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пея тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёллари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачининг хulosаси асосида обьектни қабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойлада инфодаланадиган пея билан копланмаган заарларни коплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиши хукукига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пея тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суди томонидан кўриб чикилади.

#### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикитиришга ҳаклидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

16.7. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал килади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўл ган 3 нусхада тузилди.

16.9. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### “БУЮРТМАЧИ”

Номи: Сирдарё вилояти Юкумли  
қасалликлар шифохонаси

Манзили: Мирзаобод тумани Пиллакор  
кургони

Банк номи: Марказий банк XKKM  
МФО: 00014

ГНН: 204122919

ЛС: 409321860242287073201054002

ИИН: 200322639



##### “ПУДРАТЧИ”

Номи: Барака Эзгу Нијати МЧЖ

Манзили: Шириқ шаҳар Ҳалклар дустлиги кучаси -5  
уй

Банк номи: Тижорат Ҳалқ банки Боёвут филиали

Х/Р: 20208000051 92895001

МФО: 00762 Код НДС: 304371304

ИНН: 307170006

Рахбар:

М.Ч.Н.

А.Эганизаров

2836779



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

### "BARAKA EZGU NIYATI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satigan holdagi to'liq nomi)

#### "BARAKA EZGU NIYATI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.02.2020

819770

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

\*Sene oy (so'z bilan), yil:

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

307170006

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Sirdaryo viloyati, Shirin shahri, X.DO'STLIGI KO'CHASI 5-DO'KON,


Guvochnoma:

Sirdaryo viloyati, Shirin shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan otkazuvchi organning to'liq nomi):





## СОҲАВИЙ ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИ

Монографияга иштирокчилар рейтинги

Логотипи жаҳониёл тадқиқотлари


Логотипи тадқиқотлар саломини

307770006

Ташкилот номи: "BARAKA EZGU NIYATI" mas'uliyati cheklangan jamiyati

Рейтинг: СС

### Статистика



Жами ташкилотлар сони: 16703

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 125681 на приобретение Sirdaryo viloyat yuqumli kasalliklar Shifoxonasi jonlantirish bulimi hamda 5-bulim binosiga temir-beton xandak qurish**

Способ проведения электронный

Дата 02.08.2022

Время рассмотрения 02.08.2022 18:44

Конкурсная комиссия Вилоят Юкумли касалликлар шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	GAFFAROV TURDIBEK RAIMKULOVICH	Раис	шифохона
Секретарь комиссии	UMARKULOV ERKINJON ERGASHEVICH	котиб	шифохона
Член комиссии	RUSTAMOV ULUG'BEK QO'CHQORALIYEVICH	аъзо	шифохона
Член комиссии	ABDUMUMINOV DILMUROD MAXMUDOVICH	аъзо	шифохона
Член комиссии	DUSHAYEV ABDUJALIL MAMARAIMOVICH	аъзо	шифохона
Член комиссии	TURSUNKULOV AKRAMJON TURSUNKULOVICH	аъзо	шифохона

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.08.2022 года № лота 125681.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Работы по строительству нежилых зданий
Подробное описание	Sirdaryo viloyat yuqumli kasalliklar Shifoxonasi jonlantirish bulimi hamda 5-bulim binosiga temir-beton xandak qurish
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	30 000 000.00
Стартовая сумма	30 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хақида хужжат ( маълумотнома, хат ва бошқа хужжатлар )

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги хақида хужжат ( маълумотнома, хат ва бошқа хужжатлар )

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BARAKA EZGU NIYATI	25	25	25	Экспертная		
ООО "Bekzod Muhammadiy"	25	25	20	Экспертная		

Критерий №2 Шартнома тузиш учун Давлат Солиқ инспекциясидан (солиқ қарздорлиги түфрисида) маълумотнома (акт сверка) асли. Банқдан картотека бор ёки йўқлиги түфрисида малумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Шартнома тузиш учун Давлат Солиқ инспекциясидан (солиқ қарздорлиги түфрисида) маълумотнома (акт сверка) асли. Банқдан картотека бор ёки йўқлиги түфрисида малумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BARAKA EZGU NIYATI	25	25	25	Экспертная		
ООО "Bekzod Muhammadali"	25	25	20	Экспертная		

Критерий №3 Корхонада малакали ходимларнинг мавжудлиги, малумоти ва Мутахассислиги (диплом ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар иловалар қилиниши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонада малакали ходимларнинг мавжудлиги, малумоти ва Мутахассислиги (диплом ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар иловалар қилиниши шарт)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BARAKA EZGU NIYATI	25	25	25	Экспертная		
ООО "Bekzod Muhammadali"	25	25	20	Экспертная		

Критерий №4 Бино-иншоат, автомашина, техника, технология, асбоб ускуналар рўйхати (техпаспорт, ҳисоб-фактура, ижара шартномаларидан нусха).

Тип: Текстовое значение

Описание: Бино-иншоат, автомашина, техника, технология, асбоб ускуналар рўйхати (техпаспорт, ҳисоб-фактура, ижара шартномаларидан нусха).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BARAKA EZGU NIYATI	25	25	25	Экспертная		
ООО "Bekzod Muhammadali"	25	25	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО "Bekzod Muhammadali"	30 000 000.00	30 000 000.00 UZS	30 000 000.00	00.00	30 000 000.00	28.07.2022 14:00:24	18.33

ООО BARAKA EZGU NIYATI	30 000 000.00	27 500 000.00 UZS	27 500 000.00	00.00	27 500 000.00	27.07.2022 12:48:48	20.00
------------------------	------------------	----------------------	---------------	-------	------------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО "Bekzod Muhammadali"	64	18.33	82.33
ООО BARAKA EZGU NIYATI	80	20	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 125681 от 02.08.2022 года на приобретение Sirdaryo viloyat yuqumli kasalliklar Shifoxonasi jonlantirish bulimi hamda 5-bulim binosiga temir-beton xandak qurish определила победителем:

ООО BARAKA EZGU NIYATI  
307170006

и резервный исполнитель: ООО "Bekzod Muhammadali" (307590464)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	GAFFAROV TURDIBEK RAIMKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	DUSHAYEV ABDUJALIL MAMARAIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	RUSTAMOV ULUG'BEK QO'CHQORALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDUMUMINOV DILMUROD MAXMUDOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURSUNKULOV AKRAMJON TURSUNKULOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП